Амири Хамид, Абу Мухаммад
(?- Бухоро - 954)
(943-954)

Сомонийлар давлати амири, амир Наср ИИ ибн Ахмаднинг ўгли. Отаси 30 йил хукмронлик килгач, тириклик пайтида тахтни унга топширган (943-йил 10-апрел). Бухоро козиси, фикх илмининг билимдони Абулфазл Марвазий (946-йил вафот этган) унинг вазири бўлган. Нух ибн Наср мамлакатда кенг ёйилган карматийлар харакатини бартараф этиш чораларини кўрган. Мовароуннахрдаги бу харакат рахбари Мухаммад ибн Ахмад Наршабийни Бухорода дорга остирди. Бирок Сомонийлар давлатининг молиявий ахволи огирлашганлиги учун у солик ва турли турмушларни кўпайтиришга мажбур бўлган. Мамлакатда исён ва галаёнлар кучайган. Наршахийнинг ёзишича, хатто унинг амакиси Абу Ишок Иброхим ибн Ахмад Ирокдан келиб, Нишопур амири Абу Али Сагоний ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаб олган (947). Орадан кўп ўтмай Нух ибн Наср Самарканддан кайтиб, тахтни кайтариб олгач, марказий хокимиятга карши исён кўтарган кариндош-уругларини жазолаган, Марвдаги исёнларни хам бостирган. Аммо у Абу Алини аввал Чагониён, сўнгра Хуросонга хоким килиб (952) тайинлашга мажбур бўлган. Сомонийлар давлати инкирозини тўхтатишга харакат килган. Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асари (943-944)ни унга багишлаган. Огир касалликдан сўнг Бухорода вафот этган.